

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

*“Ўзтрансгаз” АЖ акциядорларининг  
йиллик умумий йиғилиши  
2021 йил 29 июндаги қарори билан*

*“Ўзтрансгаз” АЖ акциядорларининг  
2021 йил 29 июндаги йиллик умумий  
йиғилиши баённомасига 14-илова*

**“ЎЗТРАНСГАЗ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
ДИВИДЕНД СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДАГИ  
НИЗОМ**

## МУНДАРИЖА:

1. Умумий қоидалар;
2. Дивидендлар миқдорини аниқлаш ва ҳисоблаш тартиби;
3. Дивиденд тўлаш тартиби ва муддати;
4. Эълон қилинган дивидендларни тўлаш учун жавобгарлик;
5. Яқуний қоидалар.

### 1. Умумий қоидалар

1.1. Дивиденд сиёсати тўғрисидаги ушбу Низом Низом Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, “Ўзтрансгаз” АЖ (кейинги ўринларда – Жамият) Уставига, 2015 йил 31 декабрдаги Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссиянинг 9-сонли йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига (2016 йил 11 февралда 02-02/1-187 рақам билан рўйхатга олинган) мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Дивиденд сиёсати жамият ва унинг акциядорлари манфаатлари мувозанатига, Жамиятнинг инвестиция жозибадорлигини оширишга, акциядорларнинг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Жамият Устави ва унинг ички ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва қатъий риоя этишга асосланади ҳамда акциядорлар фаровонлигини оширишга ва Жамиятда капиталлашув ўсишини таъминлашга йўналтирилган.

Ушбу Низом Жамият кузатув кенгашининг фойдани тақсимлаш, шу жумладан акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартибини тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш учун Жамият акциядорларининг умумий йиғилишига тавсиялар тайёрлашга ёндашувни аниқлашга мўлжалланган.

1.3. Дивидендлар соф фойданинг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

1.4. Жамият дивиденд сиёсатининг асосий тамойиллари:

– шаффофлик тамойили, у Жамиятнинг дивиденд сиёсатини амалга ошириш тўғрисидаги маълумотни аниқлаш ва ошкор қилиш, шу жумладан дивидендларни тўлаш ва миқдори тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби ва шартларини назарда тутди;

– ўз вақтидалик тамойили, у дивиденд тўловларини амалга оширишда вақт чегаралари белгиланишини назарда тутди;

– асосланганлик тамойили, у дивидендларни тўлаш ва унинг миқдори тўғрисида қарор қабул қилиш фақатгина Жамият ўзининг ривожланиш режаларини ҳисобга олган ҳолда ижобий молиявий натижаларга эришган тақдирдагина қабул қилиниши мумкинлигини аниқлатади;

– адолат тамойили, у дивидендларни тўлаш, миқдори ва тўлаш тартиби тўғрисидаги қарорлар тўғрисида маълумот олиш учун акциядорларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлашни назарда тутати;

– изчиллик тамойили, у дивиденд сиёсати тартиб-таомиллари ва тамойилларига қатъий риоя қилишни назарда тутати;

– ривожланиш тамойили, у Жамиятнинг стратегик мақсадлари ўзгариши муносабати билан корпоратив бошқарув тартиб-таомилларини такомиллаштириш ва унинг низомларини қайта кўриб чиқиш доирасида дивиденд сиёсатини доимий равишда такомиллаштиришни назарда тутати;

– барқарорлик тамойили, у Жамият дивиденд тўловларининг барқарор даражасини таъминлашга интилишини англатади.

1.5. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акциялар бўйича дивидендларни тўлаш ёки тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир. Жамият дивидендлар миқдорини улардан солиқларни ҳисобга олмаганда эълон қилади.

1.6. Эълон қилинган дивидендларни тўлаш Жамият мажбурияти саналади. Жамият ҳисобланган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қонунчиликда белгиланган тартибда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида, “Тошкент” Республика фонд биржаси ва Жамиятнинг расмий веб-сайтларида эълон қилади.

1.7. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендлар олишдаги тенг ҳуқуқларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

1.8. Қуйидаги акциялар бўйича дивидендлар ҳисобланмайди ва тўланмайди:

- жойлаштирилмаган акциялар;
- Жамиятнинг ўзи сотиб олган ва / ёки қайта сотиб олган акциялар;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

1.9. Жамият қуйидаги акциялар бўйича дивидендларни тўлаш ва қарорлар қабул қилишга ҳақли эмас:

- агар дивидендларни тўлаш пайтида банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки дивидендларни тўлаш натижасида Жамиятда ушбу белгилар пайдо бўлса;
- агар Жамиятнинг соф активлари қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди миқдоридан кам бўлса.

## **2. Дивидендлар миқдорини аниқлаш ва ҳисоблаш тартиби**

2.1. Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан сўнг, соф фойда Жамият фондларига ўтказилади. Тақсимланмаган фойда Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартибда ишлатилади.

Дивидендлар Жамият ихтиёрида қолган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойдадан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар ушбу мақсад учун махсус ажратилган захира фондидан тўланиши мумкин.

2.2. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ҳар бир тоифадаги акциялар бўйича дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида қарор қабул қилади. Жамият Кузатув кенгаши акциядорлар умумий йиғилишига акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби бўйича тавсиялар беради. Дивидендлар миқдори кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан ошмаслиги керак.

2.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишининг дивидендларни тўлаш (эълон қилиш) тўғрисидаги қарори билан қуйидагилар белгиланади:

- дивидендлар тўланадиган (эълон қилинган) акциялар тоифаси (тури);
- маълум турдаги акция учун дивиденд миқдори;
- дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби.

Дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендларни тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар кўрсатилиши керак.

Дивидендларни тўлашда ҳеч бир акциядор тўлов муддатлари бўйича устунликларга эга эмас.

2.4. Акциядорлар йиғилишига тавсия этилган акциялар бўйича дивидендлар миқдори қуйидаги омиллар асосида кузатув кенгаши томонидан белгиланади:

- ишончлилиги аудиторлик хулосаси билан тасдиқланган молиявий ҳисобот маълумотларига кўра соф фойда миқдори;
- Жамият Уставида назарда тутилган захира ва бошқа фондлар ҳажми;
- тасдиқланган бизнес-режа ва Жамиятнинг ривожланиш стратегияси.

2.5. Жамият оддий акциялар бўйича дивидендларни тўлаш учун Жамият соф фойдасининг 10 фоизига, имтиёзли акциялар бўйича эса ҳар бир акция учун номинал қийматига 25 фоиз миқдорида маблағ йўналтириши мумкин.

Давлат ишончли вакили қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг кўрсатмалари асосида давлат улуши бўйича дивидендлар тўлаш миқдорининг йўналиши бўйича овоз бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

2.6. Дивиденд акциядорлар ўртасида улар эгалик қиладиган акциялар сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

2.7. Жамият акциядорларининг умумий йиғилишида кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган дивидендларни тўлаш Жамиятнинг молиявий аҳволи ёмонлашишига, шунингдек, бизнес-режа ва Жамиятни ривожлантириш стратегиясида кўзда тутилмаган харажатларга олиб келмаслиги керак.

### **3. Дивидендларни тўлаш тартиби ва муддати**

3.1. Жамият дивидендларни нақд ёки бошқа қонуний тўлов воситаларида ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозларида тўлайди. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича қимматли қоғозлар билан дивидендлар тўланишига йўл қўйилмайди. Эълон қилинган дивидендлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида тўланади. Ўзбекистон Республикасининг норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра Жамият унга ҳисобланган дивидендларни эркин конвертация қилинадиган валютага ўтказган ҳолда норезидент акциядор

томонидан тақдим этилган банк ҳисоб рақамига маблағларни ўтказиб беришга мажбур саналади.

3.2. Дивидендларни тўлаш муддати Жамият акциядорларининг умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади, лекин акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 кундан ошмаслиги керак.

3.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишининг қарори билан уч йил давомида мулкдор ёки унинг ҳуқуқий вориси ёки меросхўр томонидан талаб қилинмаган дивиденд Жамият ихтиёрида қолади.

3.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда Жамиятнинг айби билан дивидендлар тўланмаган (олинмаган) тақдирда, тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаш ставкаси асосида жарима ундирилади. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича ундириладиган пеня миқдори тўланмаган (олинмаган) дивидендлар миқдорининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

3.5. Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича ишларга масъул шахс Жамиятнинг бухгалтерия бўлими билан бирга ушбу Низомда назарда тутилган Жамият томонидан дивидендлар тўлашни ташкил этиш бўйича барча чора-тадбирларни тайёрлайди, мувофиқлаштиради ва ўтказиши.

3.6. Ҳар қандай акциядор ўзини Жамиятнинг дивиденд олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатига киритиш / киритмаслик, шунингдек акциялар бўйича дивидендларни ҳисоблаш тартиби, дивидендлар миқдорини ҳисоблаш ва солиққа тортиш тартиби, тўлов шартлари бўйича маълумот олиш учун сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

3.7. Акциядорлар томонидан дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрида қайд қилинган шахслар акциялар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқига эга саналади.

3.8. Агар акциялар улушли мулкчиликда бўлса, дивиденд белгиланган тартибда акциядорлар ўртасида уларнинг улушига мутаносиб равишда тақсимланади.

3.9. Акциядор ўз маълумотларига ўзгартиришлар киритилганлиги тўғрисида ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачисини ва/ёки Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсини зудлик билан хабардор қилиши шарт. Акциядор ўз маълумотидаги ўзгаришлар тўғрисида маълумот бермаган ҳолларда, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва унинг акцияларига бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш бўйича хизматларни кўрсатувчи инвестиция воситачиси акциядорга шу билан боғлиқ ҳолда етказилган зарарлар учун жавобгар бўлмайди.

3.10. Агар акциядор дивидендларни ўтказиш учун ўз банк маълумотларини ёки манзилини нотўғри кўрсатган бўлса ёки ушбу тафсилотлар тўғрисида Жамиятни хабардор қилмаган ёхуд улар тўғрисида ўз вақтида хабар қилмаган бўлса, Жамият шунга боғлиқ равишда акциядорга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди. Ушбу бандда кўрсатилган сабабларга кўра акциядорнинг

айби билан нотўғри ўтказиб берилган дивиденд миқдори Жамият томонидан қайтариб олингандан сўнг, уларни аниқлаштирилган реквизитлар бўйича акциядорга қайта ўтказиб бериш уларни қайтариш ва қайта ўтказиш харажатлари чиқариб ташланган ҳолда амалга оширилади.

3.11. Жамият акциядорларга улар эгалик қиладиган акциялар бўйича даромадларни тўлашда солиқ агенти сифатида қатнашади ва ҳисобланган дивидендларни тўлашни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган қимматли қоғозлардан олинадиган даромадлар бўйича солиқларни чиқариб ташлаган ҳолда амалга оширади. Стандарт солиқ ставкалари қўлланилмаслиги керак бўлган акциядор Жамиятга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этади.

#### **4. Эълон қилинган дивидендларни тўлаш учун жавобгарлик**

4.1. Жамият ҳар бир турдаги акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлашга мажбурдир.

4.2. Жамиятнинг ижроия органи жамият акциядорларига дивидендларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши учун жавобгар саналади. Ижроия органининг хатти-ҳаракатлари устидан назорат Жамият Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

4.3. Агар Жамият ўз мажбуриятларини бажармаган бўлса, акциядорлар суд тартибида ҳар бир турдаги акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Солиқ суммаларини дивидендлардан ушлаб қолиш ва ўтказиш бўйича Жамият зиммасига юклатилган солиқ агенти вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

#### **5. Яқуний қоидалар**

5.1. Мазкур Низом, шунингдек унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар Жамият томонидан Интернетдаги корпоратив веб-сайтида Жамият бошқарув органининг тегишли қарор қабул қилинган йиғилиши баённомаси имзоланганидан кейин ўн кун ичида эълон қилинади.

5.2. Мазкур Низом, шунингдек унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланади.

5.3. Ушбу Низом жамият акциядорларининг умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.